


Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2015 йил "22" июнда  
44-1 - сон билан рўйхатга олинган



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарув Раисининг  
биринчи ўринбосари

Мустафоев У.М.

М.ў.

**“ТРАСТБАНК”  
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ  
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА**

2015 йил «03» июндаги  
“Трастбанк” ХАББ  
Акциядорларининг навбатдаги умумий  
йиғилишининг 39- сон баённомаси билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кенгаши Раиси



Ш.Т. Абдукамилов

Тошкент 2015 йил

**«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Уставига  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

**1. Титул varaғида банкнинг номи қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки

**2. 1-банди қўйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:**

2014 йил 12 сентябрда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ 2015 йил 3 июнда ўтказилган Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига кўра “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки номига ва унинг уставига ўзгартириш ва қўшимча киритилди.

**3. 2-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Банкнинг фирма номи (тўлик):  
ўзбек тилидаги лотин ёзувида: “Trastbank” xususiy aksiyadorlik banki;  
ўзбек тилидаги кирилл ёзувида: “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки;  
рус тилида: Частный акционерный банк «Трастбанк»;  
инглиз тилида: Private joint stock bank «Trustbank».

**4. 3-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Банкнинг қисқартирилган номи:  
ўзбек тилидаги лотин ёзувида: “Trastbank” ХАВ;  
ўзбек тилидаги кирилл ёзувида: “Трастбанк” ХАВ;  
рус тилида: ЧАБ «Трастбанк»;  
инглиз тилида: PJSB «Trustbank».

**5. 4-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

“Трастбанк” ХАВ (матннинг кейинги ўринларида “Банк” деб юритилади) ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавобгар бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, суд органларида ва арбитражда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

**6. 29-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Банкнинг устав капитали 32 250 000 000 (Ўттиз икки миллиард икки юз эллик миллион) сўм миқдоридида шакллантирилган ва қўйидаги акцияларга тақсимланган:  
Оддий – 32 227 000 (Ўттиз икки миллион икки юз йигирма етти минг) дона;  
Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.


**7. 30- банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Устав капиталини қўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 8 000 000 (Саккиз миллион) дона, жумладан:  
Оддий акциялар – 8 000 000 (Саккиз миллион) дона.

**8. 107-банднинг ўн биринчи хатбошини қўйидаги тахрирда баён қилинсин:**

Банк Кенгаши томонидан тайинланган (Банк Бошқаруви Раиси ва Директорий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида ҳам тайинланиши мумкин), Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш;

Банк Кенгаши Раиси



Н.Т. Абдуқамилов



2 (Уккч)

варақдан иборат

8 11 2015 йил

Имзо

